

O‘ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA



• 2008-yil • 24-yanvar • Payshanba • 11 (27.816) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси-ни, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улғу бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламиз.»

САМИМИЙ ТАБРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Корея Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган 17-сайловда ғалаба қозонганим муносабати билан йўллаган қизгин кутловларингиз учун Сиз, Жаноби Олийларига самимий миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда, ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ғалабангиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин қалбдан муборакбод этиб йўллаётган табрикларимни лутфан қабул қилгайсиз. Ўзбекистон Республикаси шахсан Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигингизда юксак иқтисодий ўсишга эришди ва ишончим комилки, Президент сайловидаги ғалабангиз туфайли Ўзбекистон Республикаси янада жадал ривожланиб, Марказий Осиёдаги энг илғор давлат бўлиб қолади.

1992 йилда илк қадамлари қўйилган дипломатик муносабатларимизнинг 16 йил — қисқа мuddат бўлишига қарамай, Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси сиёсат, иқтисодиёт ва маданият каби кўплаб соҳаларда дўстона ҳамкорликка эришди. Айниқса, сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасида ҳажми 20 фоиздан ошган савдо соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасида Осиё мамлакатлари орасидаги энг йирик инвесторга айланган.

2006 йилнинг март ойида Сиз, Жаноби Олийларининг Корея Республикасига ташрифингиз, ана шу ташриф давомида Сизга берилган «Сеулнинг фахрий фуқароси» унвони, шунингдек, турли муҳим масалалар бўйича Сиз, Жаноби Олийлари билан уюштирилган жиддий ва самарали учрашув-мулоқотлар тўғрисидаги хотиралар менга алоҳида мамнуният ва қувонч бахш этди.

Давлатларимиз иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирди олиш жиҳатларини инobatга олган ҳолда, ўйлаётганим, Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси энергетика ресурслари, тўқимачилик санoати, ахборот технологиялари соҳаларида, шунингдек, қурилиш индустриясида ўзаро манфатли салоҳиятга эгадир. Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда ушбу салоҳиятни амалга ошира бoриб, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришни давом эттиришимизга умид боғлаб қоламан.

Жаноби Олийлари, яна бир бор самимий кутловларингиз учун миннатдорлигимни ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига муштаҳам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса доимий тараққиёт ва раванқ тилаб билдирган эзгу истақларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Ли Мён БАК, Корея Республикасининг сайланган Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, «Покистон мусулмонлар лигаси» партияси ва шахсан ўз номидан Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табригимни изҳор этаман.

2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Сизнинг буюк мамлакатингиз келажига учун гоят муҳим сиёсий воқеа бўлди. Президент сайлови натижалари Ўзбекистон фуқароларининг Сизнинг мамлакат раванқи ва оқойишталлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган сиёсатингизга бўлган юксак ишончи ва уни қўллаб-қувватлашдан далolatдир.

Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрганим, айниқса, 1992 йилнинг октябрда Тошкентда Афғонистон Президенти иштирокида ўтган матбуот анжуманида Сиз билан шахсан учрашишга муяссар бўлганим менга катта мамнуният бағишлаганини ҳеч қачон ёдимдан чикармайман. Шундан буён, хусусан, 2007 йил январь ойида мамлакатингизда бўлганда Ўзбекистон иқтисодий, иқтисодий, маданий ва маърифий жаҳдаларда улкан ютуқларга эришганининг ҳамда энг муҳими — республика ҳаётида сиёсий туб ислохотлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлиб келмоқдам.

Сизнинг узокни қўлаб олиб бораётган раҳбарлигингиз натижасида Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган кундан буён мамлакатни модернизация қилиш борасида босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган кенг қўламли ислохотларни изчил давом эттиришига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, Сизни қайта сайланганингиз муносабати билан яна бир бор муборакбод этаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари бундан буён ҳам Сизнинг доно раҳбарлигингизда халқларимиз манфаати йўлида ривожланишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига муштаҳам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва қардош Ўзбекистон халқига янада раванқ ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Мушаҳид Хуссейн САИД, «Покистон мусулмонлар лигаси» партияси Бош котиби, Сенатнинг Халқаро ишлар бўйича доимий қўмитаси раиси

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентлиги

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш ва шу орқали ёш авлоднинг билимли, бахтли ворислар сифатида улғайишига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим масалага айланди. Чунки, халқимиз ўсиб келаётган ўғил-қизлари сиймосида Ватаннинг эртанги эгаларини, айни истиқлол йилларида бошланган эзгу ва улғувор ишларнинг давомчиларини кўради. Шу боис ҳам ҳозир фарзандларимиз учун сарфланаётган ҳар қандай маблағ ортида эртанги эгаларининг барчамиз чуқур ҳис этамиз.

— Янги-янги мактаблар қад ростлаётгани, улар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланаётгани, таълим мазмуни ўзгараётгани — бир сўз билан айтганда, ўқитишдаги ҳамма-ҳамма ютуқлар болаларимиз, шу ўқувчиларимиз учун, — дейди пойтахтимиздаги 21-ўрта мактаб директори Нурмухаммад Аҳмедов. — Биргина мисол. Мактабимизда таълим олаётган 800 нафардан зиёд ўқувчининг ҳар бири энг аввало ўзини Ватан кутаётганини англаб билим олади. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам шу



— муносиб мамлакатнинг билимли ёшларини тарбиялашдан иборат.

Дарҳақиқат, 52 нафар маҳоратли педагог меҳнат қилаётган бу мактабда эришилаётган ютуқлар, қилинаётган ишлар ибратга лойиқ. Биринчи

галда мактаб атрофи ободонлаштирилиб, кўплаб гул ва дарахт кўчатлари ўтказилган кишининг баҳри дилини очса, эрталаб дарс бошлангунча болалар учун кўрсатувлар намойиш этилиши ўқувчиларнинг маданий-маъна-

вий савиясини юксалтиришга ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Қолаверса, турли ноанъанавий усуллардан фойдаланиш, «Оила — маҳалла — мактаб ҳамкорлиги» дастури асосидаги тадбирлар ҳам мактабда таълим-тарбия мазмунини

бойитишга хизмат қилмоқда.

— Ўқувчиларимиз билимга чанқоқлиги боис туман, шаҳар ва республика миқёсидаги танловларда, фан олимпиадаларида кетма-кет ғолибликни қўлга киритиб келишмоқда, — дейди ўқитувчи Нафиса Аъзамова. — Айниқса, бу йил иқтидорли бошланғич синф ўқувчиларидан Шахло Файзуллаева, Мирислом Мирзоитов, Динара Аҳмаджонова, Соҳида Муҳаммадовалар фан олимпиадаларининг туман ва шаҳар босқичида катнашиб, муваффақият қозонишди. Шубҳасиз, бу ғалабаларда фидойи ўқитувчиларимиз меҳнати, қолаверса, уларнинг ўқиб-ўрганиб, билим чуққиларини эгаллашларида қанот бўлаётган Ватанамизнинг чексиз ғамхўрлиги мужассам.

Матназар ЭЛИМУРDOV. Суратларда: ўқитувчи Нафиса Аъзамова дарс пайтида; билимли ва барқамол ёшлар. Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.



Брюсселда брифинг

Яқинда мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловлари натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Бельгиянинг расмий муассасалари, Европарламент, Брюсселда жойлашган таҳлил ва тадқиқот марказлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Брифингда алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловлари эркин ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қураётган юртининг келажига учун тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа бўлди.

Бу воқеа мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий ва сиёсий оқибатини қўллаб-қувватлашди. Европалик олимнинг таъкидлашича, Марказий Осиё давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда кечаётган жараёнларга баҳо беришда уларнинг жўғрофий, тарихий ва маданий омиллари ҳисобга олинмоғи лозим. Айнан шу нуқтаи назардан Ўзбекистондаги вазият таҳлил этиладиган бўлса 16 йил мобайнида Республика ҳукумати томонидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилгани яққол намоён бўлади.

Шунингдек, сайловлар чоғида халқаро кузатувчилар овоз

бериш жараёнларини назорат қилишлари учун тўласинча эркин бўлишгани ва уларнинг кўпчилиги билдирган фикрларга қараганда ҳам сайловлар рисоладагидек шароитларда, очиқлик, хавфсиз ва шаффофлик муҳитида кечди.

Таъкидлаш кераки, бўлиб ўтган мазкур тадбир ва унда тақдим этилган маълумотлар брифинг қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

«Europe Diplomatique» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари М. Дюруинг «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбат чоғида мазкур брифинг сингари тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистонда кечаётган вазиятни баҳолашда, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар хусусидаги ҳақоний маълумотларни европалик тингловчилар эътиборига етказишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлар экан, мамлакатимиз ҳукумати томонидан олиб бoриладиган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотлар жараёнларига юқори баҳо берди.

«Жаҳон» АА Брюссель

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг Ялпи Мажлиси Тўғрисида

23 январь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Ҳамдамович Халиловни саломатлиги туфайли берган аризасига биноан эгалаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мазкур ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг янги Спикерини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси раҳбари Дилором Гафуржоновна Тошмухамедованинг номзоди депутатлар муҳокамасига қўйилди.

Яширин овоз бериш натижасига қўра, Д.Ф.Тошмухамедова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери этиб сайланди.

(ЎзА)

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

«Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!»

Партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари ҳарбий қисмларда Ватан олдидаги ҳизматини ўтаётган ёшлар билан доимий мулоқот ўрнатиб, тез-тез улар ҳузурда бўлиб турари. Яқинда ҳарбий қисмда «Ўзбек ўғли, ўзлигингни унутма!» деб номланган учрашув ўтказилди. Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят ахборот-кутубхона

маркази билан ҳамкорликда бўлиналар ўртасидаги беллашув шаклида ўтказилган бу учрашувда ҳарбий қисм аскарлари назарий билимлари, жисмоний тайёргарликларини намоийш этишди. Беллашуларда қисмнинг «Қалқон» ва «Адолат» гуруҳлари куч синашдилар. Гуруҳларнинг 5 та шартдан иборат баҳсини ҳайъат аъзолари баҳолаб борди. Аскарлар барча шартларни

аъло даражада бажариб, тенг балл олишди. Тадбирда ЎзХДП вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Шерзод Бобоқонов, Маънавият тарғибот маркази етакчи мутахассиси Раҳим Хонимқулов фаол қатнашчиларга эсдалик совғалари топширдилар.

Мунаввар ПАРДАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Бола ҳуқуқлари кафолати

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва бу борада бир қатор дастурлар қабул қилинган.

Халқимиз — болажон халқ. Ҳар бир ота-она ўзи меҳр билан ўстираётган фарзандининг камолтини кўрайин, деб яшайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонун халқимизнинг эзгу қадриятларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда унинг янада такомиллашувига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонун «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилди.

Юртимизда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида изчил тизим яратилди. Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, Ички ишлар вазирлиги қошида Вояга етмаганларни ижтимоий ҳуқуқий ҳимоя қилиш марказлари тўғрисида. Бундан ташқари, бу соҳага дахлдор бўлган бир қатор жамғармалар фаолият кўрсатмоқда. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослаштириш маркази шулар жумласидандир. Шу ўринда болаларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси билан алоқадор давлат тузилмалари, балки кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам шуғулланаётганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик асоси энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Унга кўра, бола дунёга келиши биланоқ фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлади ҳамда бу давлат томонидан кафолатланади. Бола ҳуқуқлари ҳимояси шунингдек, Оила, Фуқаролик процессуал, Меҳнат, Жиноят кодекслари ва бошқа қонунлар билан ҳам ҳимоя қилинади.

«Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг ўзига хослиги унинг

мажмуавийлигидадир. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган бола ҳуқуқларининг асосий қўшимча кафолатларини мустаҳкамлайди.

Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари деб бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари, бола тарбияланаётган оиланинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, боланинг яшаш, шахсий дахлсизлик, соғлигини сақлаш каби қатор ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланган.

Яшаш ҳуқуқи — бу энг бебаҳо неъмат. Қолган барча ҳуқуқ ва эркинликлар шундан келиб чиқади. Боланинг яшаш ҳуқуқи умумий характерга эга бўлиб, қатор кафолатлар билан таъминланади. Жумладан, унинг индивидуаллик ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари, соғлигини сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи, бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари, боланинг ғайриқонуний кўчирилишидан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари, боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари ва ҳоказо.

Боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи бу тиббий ёрдам, дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи, турар жойга бўлган ҳуқуқи, болалар учун озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, бола иложи борида оилада тарбияланиши зарурлиги инобатга олиниб, уларни тарбиялаётган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари белгиланган.

Боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи эса, асосан, унинг ота-онаси ёки қонуний вакилларига юкланади. Агар ота-она ўз мажбуриятларини бажармаса ёки суистеъмом қилса, давлат бу масъулиятни зиммасига олади.

Энг муҳими, бу қонуннинг қабул қилиниши бола ҳуқуқлари бўйича қонунчилик асосларини келгусида янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, ногирон бола таърифига «сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари» тушунчаси қўшилиб, бу кенгроқ маънода халқаро ҳужжатларда қўлланилаётган иборатга уй-

ғунлаштирилди. Энди ногирон бола деб жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлгани туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган болага нисбатан ишлатилмоқда. Бундан ташқари, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола ногиронлики белгиланган учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган бола деб аталмоқда. Бу тоифадаги болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларга бериладиган имтиёзлар, ота-онаси ёки ота-онаси ўринини босувчи шахсларнинг аризонлиги билан бошқа жамғармалар маблағлари ҳисобидан, шунингдек, ота-онаси ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар маблағлари ҳисобидан ижтимоий муҳофаза тизими муассасаларида сақланишлари мумкин. Бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида республикадаги барча ташкилот муассасалар ҳамкорлигини кучайтириш ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштириши янада такомиллаштирилишига қаратилган нормалар белгиланмоқда.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари масаласига Қонунда алоҳида боб ажратилган. Унда боланинг ижтимоий ёрдам олиши, унинг жамиятда интеграциялашуви, таълим олиш, турар жойга бўлган ҳуқуқлари билан биргаликда ногирон болалар, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга доир моддалар ўрин олган. Ушбу қонун бола ҳуқуқлари учун янада мустаҳкам ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилиши мўқарар.

Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

Тошкентда янги услуб ва технологияларни яратиш ҳамда уларни бозорга чиқаришда интеллектуал ресурсларни бошқариш тизими самарадорлигини оширишга доир тавсияларни ишлаб чиқишга бағишланган «Замонавий бошқарув услубларини жалб этган ҳолда интеллектуал мулк ҳуқуқларидан фойдаланиш» мавзуда минтақалараро симпозиум бўлиб ўтмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Интеллектуал мулк ҳимоясига эътибор

Дунёнинг 20 дан зиёд давлатидан ташриф буюрган мутахассислар, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва Евроосиё патент ташкилоти вакиллари учун давлат симпозиумида интеллектуал мулк ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва мазкур соҳада тижоратни йўлга қўйиш имкониятларини муҳокама этилди.

Давлат патент идораси директори А.Азимов Ўзбекистон катта илмий-техник салоҳиятга эга бўлиб, республиканинг ундан самарали фойдаланиш борасидаги ютуқлари жаҳонда юқори баҳолини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартибига соладинган миллий қонунийлик ишлаб чиқилиб, мунтазам такомиллаштирилмоқда. Мамлакатимиз ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатларга қўшилиб, Бугун республикамиз интеллектуал мулк ҳимоя қилиш бўйича халқаро тизимни бошқаришда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон 2005 ва қайтадан 2007 йилда Париж иттифоқи Ижро қўмитасининг аъзоси этиб сайланди ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг раҳбар органи — Мувофиқлаштирувчи қўмита таркибига киритилди.

Симпозиум иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг 2003-2007 йилги давлат реестрларида 7 мингдан ортиқ интеллектуал мулк объекти — ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭХМлар учун дастурлар, маълумотлар базалари ва селекция ютуқлари рўйхатга олингани маълум қилинди. Интеллектуал

мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисида 563 та шартнома тузилган.

Бозор шароитида иқтисодийни жадал ривожлантиришнинг омилларидан бири инновацияларни тижоратлаштириш стратегиясини амалга ошириш, яъни уларни амалиётга татиқ этишдан иқтисодий фойда олиш ҳисобланади. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти вакили Владимир Иосифов, Евроосиё патент идораси экспертиза бошқармаси бошлиғи Виктор Тальянский ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Анқуманда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо мамлакатларда умумийроқ этилган интеллектуал мулк объектиларини патентлаш ва рўйхатга олиш тизими янги ишланмаларни яратишни рағбатлантиришга, уларни саноатда қўллаш учун шарт-шароит яратиш, янгиликларни оммалаштириш ва жорий этишга қўмақлаштириш, инвестициялар оқимини кенгайтириш тузилмасини шакллантиришга қаратилган қайд этилди. Ушбу тизимларнинг ишлашдан олинмаган иқтисодий фойдани кўпайтириш учун бу борадаги халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, илмий-техника ютуқларини тижорат мақсадида алмашиш жараёнига кенг жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш таъминоти миллий ва халқаро миқёсда кенг татиқ этишга қўмақлашди.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Фарғонадан хабарлар

Шаҳар кўчаларида 40 та янги «Isuzu» автобуси аҳолига хизмат кўрсата бошлади. «Фарғона-автотранспортхизмат» ОАЖ жамоаси Самарқанддаги Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигида ташкил этилган автозаводдан «Асакабан» кредити ҳисобига сотиб олган ушбу автобуслар замонавийлиги ва хизмат кўрсатиш қўлайлиги билан ажралаб туради. Айтилган ҳақда бу ерда 90 нафар ҳайдовчи учун янги иш ўринлари ҳам яратилди.


Шаҳарда пилла чиқиндиларини қайта ишлаб, ипак тола чиқарувчи ўзбек-қирғиз-хитой қўшма корхонаси ишга тушди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, пилла чиқиндиларидан йилга 90 тонна ипак толаси ишлаб чиқарилади ва 150 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланади.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тиббиёт ва ислоҳот

Ҳам ихлос, ишонч бўлса

ҳар қандай дардни енгиш осон кечади



Мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизimini янги bosқичга кўтариш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳани малакали мутахассис-кадрлар билан таъминлаш борасида беқийс ислоҳотлар амалга оширилди. Ана шу улкан ишлардан бири, шубҳасиз Республика Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудий филиалларининг ташкил этилиши билан боғлиқдир.

Ушбу марказлар ташкил этилиши билан бир пайтда уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тиббий хизмат сифатини жаҳон андозалари даражасига кўтариш вазифаси қўйилган эди. Хўш, айтилган пайтда жойларда бу жараён қандай кечмоқда? Биз Республика Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жамшид АХТАМОВга мурожаат қилдик.

— Тиббиётда тўғри ташхис ярим даво, дейдилар. Аниқ ташхис қўйишда эса илгор замонавий техникадан фойдаланиш зарур. Шу боис Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан муассасамизга фторорентгенография аппарати, компьютер томографи, сунъий нафас ва наркоз берувчи жиҳозлар келтириб ўрнатилган, филиалимиз томонидан аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати ошди, асосийси, одамларнинг бизга бўлган ишончи ортди.

— Айтинг-чи, инсон руҳи ва тан саломатлигига эришиш учун кўпроқ нималарга эътибор бериш керак?

— Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига айнан кам ҳаракат қилиш, ортиқча вазн тушлаш, нотўғри овқатланиш сабаб бўлмоқда. Оқибатда инсонда руҳ ва тан номутаносиблиги вужудга келади. Ўйб Сино бобомиз «Доимий ҳарфат инсон организмни ҳар қандай касалликдан асрайди, тан ва руҳ саломатлигини таъминлайди» деб беҳиз айтмаган. Касалликнинг тури ҳам, уни даволаш усуллари ҳам ниҳоятда кўп. Аммо бизнинг соҳамизда энг асосий мезон — бу беморнинг шифокорга ихлоси ва дардини енгиб ўтишга бўлган ишончи.

— Сиз раҳбарлик қилаётган филиал фаолиятида энг асосий шир нима?

— ТЕЗКОР, СИФАТЛИ ТИББИЙ ЁРДАМ КўРСАТИШ! Қолаверса, фақатгина тиббий хизмат билан чекланиб қолмасдан, илмий изланишлар қўламини ҳам кенгайтириш. Замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган муассасамизда танлов асосида ишга қабул қилинган мутахассисларнинг малакасини ошириш, шилинч тиббий ёрдамнинг илмий асослан-

Хулқаро ЖАМРОЕВА
сўхбатлашди.

ган йўналишларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган бўлажак олимларни тайёрлаш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири. Бу борада, айниқса, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Фаттоҳ Манноновнинг илмий изланишлари мактовга лойиқ.

Шифокорларимиз орасида икки киши профессор, 21 нафар фан номзодлари борлиги ҳам биз учун шарафдир. Айтилган филиалимизга нафақат вилоятимиз, балки Қашқадарё, Навоий, Жиззахдан ҳам беморлар мурожаат қилишади. Бу Самарқанд тиббиёт мактаби о бўрсиқнинг баландлиги, олимлари ва шифокорларининг билими, таърибисини жаҳон андозаларидан кам эмаслигини кўрсатади. Яна бир жиҳат, мамлакатимизда нуфузли бўлган Самарқанд давлат тиббиёт институтининг салоҳияти, у ердан етишиб чиқаётган ёш мутахассисларнинг қобилияти, касбига садоқати, янгиликка чанқоқлиги бу мактабнинг обрўсига обрў қўшмоқда.

Аваллари битта кашфиётнинг яратилиши, амалга ошириш учун йиллар керак бўларди, ҳозирги тезкор замонамизда эса ҳар қуни ёшлар қўлга киритаётган янгиликларга дуч келамиз. Салкам 17 йил ичида бизнинг тиббиётимиз бошқалар билан бўйлашадиган, тенглашадиган даражага чиқди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз ўз бурчимизга содиқ қолиб, юртдошларимизнинг соғлиғи, ҳар бир оиланинг тиббий назоратда бўлиши ҳақида қайғуришни, зарур пайтда беморларга тез ва сифатли ёрдам кўрсатишни энг муҳим вазифамиз деб биламиз.

Корхона маҳсулотлари харидоргир



Тошлоқ туманидаги «Ста Сам Янг Пластик Ко.ЛТД» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида 20 турдаги халқ истеъмол моллари тайёрланапти. 402 минг АҚШ доллари миқдорида хоржий инвестиция киритилган мазкур корхонада 30 нафарга яқин ёшлардан ташкил топган жамоа меҳнат қилаётир. Корхона жамоаси ўтган йилнинг ўзида пластмассадан тайёрлан-

ган 94 миллион сўмлик қулай ва бежирим маҳсулотлар истеъмолчиларга етказиб берилди.

Мазкур корхонани полиэтилен хомашёси билан «Шўртангазим» мажмуаси таъминламоқда. Бу эса валюта захирасини тежаш ҳамда маҳсулот нархини арзонлаштириш имконини бераётир.

— Эндиги мақсад — ҳамкорларимиз билан ўзаро келишув асосида кир ювиш машиналари



ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйиш, — дейди қўшма корхона раҳбари Султонали Собиров. — Бу қўшма 10 та янги иш ўрни яратиш билан бирга, маҳсулотларимиз ҳам ва турини кўпай-

тиришни таъминлайди. Бу жамоанинг мақсади мамлакатимиз бозорида тобора харидоргир бўлиб бораётган рўзгороб маҳсулотлар сифатини янада оширишга қаратилган.

Суратларда: ишчилар Илхом Исмоилов, Шўхрат Сатторов ва Жамшид Норматов ҳамда Зухриддин Ортиқов.
М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Газетада босилмади, аммо...

Молиявий жаримага тортилди

Тахририятимизда Хоразмдан йўлланган шикоят хатида «Питнак деҳқон бозори»да харидорлар учун широн йўқлиги, тош-тарозиларнинг носозлиги, ўринсиз патта пули йиғишлар, ўсимлик ёғларини баклаш-каларга қўйиб сотишлар учраётгани ҳақида ёзилган эди.

Яқинда мазкур хат юзасидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:

«Ҳазорасп тумани, Питнак шаҳар, Питнак қишлоғидаги «Саёпир» маҳалласида яшовчи фуқаро Азизов Ботирнинг «Ўзбекистон овози» газетаси тахририятига ёзган аризасини ўраиниш юзасидан қўйибдиганларни маълум қиламиз. Питнак шаҳар «Питнак деҳқон бозори» МЧЖда Ҳазорасп тумани ҳокимининг рухсатно-

масига асосан бозорда бир марта тарқатиладиган патталарнинг тўғри тарқатилиши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Текширишда «Питнак деҳқон бозори» МЧЖ паттачиси А.Ражабов кассаси текшириб қўрилганида 5000 сўм патта бермасдан пул ундирилганлиги аниқланиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 164-моддаси

1-банди билан бозор паттачиси А.Ражабов 12420 сўмлик мамурий тартибда жаримага тортилиб, «Питнак деҳқон бозори» МЧЖга 558,9 миң сўм миқдорида молиявий жарима солинди.

Ҳазорасп тумани Давлат солиқ инспекцияси Питнак шаҳар бўлими «Бозор гуруҳи» ходимлари, Питнак шаҳар ДСЭНМ ходимлари иштирокида тузилган комиссия томонидан «Питнак деҳқон бозори» МЧЖ бозори худудида ноқонуний равишда, ҳеч қандай рухсатсиз ўсимлик ёғи сотаётган фуқароларни аниқлаш мақсадида текшириш ўтказилди.

Текширишда ҳеч қандай рухсатсиз ўсимлик ёғи сотаётган фуқаролар аниқланиб, уларга қонуний чора кўриш учун ҳужжатлар Ҳазорасп туман судига ўтказилди. Далилий ашё сифатида олинган ўсимлик ёғлари эса мусодара қилинди.

Ҳазорасп тумани Давлат солиқ инспекцияси Питнак шаҳар бўлими «Бозор гуруҳи» ходимлари томонидан «Питнак деҳқон бозори» МЧЖ худудида мунтазам назорат ишлари олиб борилмоқда.

Ҳазорасп туман ҳокимининг биринчи ўринбосари — Питнак шаҳар ҳокими **Р.ХАЙТАБЕВ**

Баркамол авлод орзуси



Бугун касб-хунар коллежларини тамомлаётган ёшлар нафақат муайян маълумот соҳиб, балки тил биладиган, бир неча касб-хунар эгаси бўлган мутахассислар бўлиб етишмоқда. Яққаб қурилиш-саноат касб-хунар коллежидан бугун мингдан ортиқ ёшлар таълим олмақда. Қурилиш ва саноат бўйича унга яқин йуна-

лишда кичик мутахассислар тайёрланаётган ушбу масканда ўқувчилар учун барча шароит яратилган. Бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланган фан кабинетлари, компьютер ва лингафон хоналари, физика-химё лабораториялари ўқувчиларнинг замонавий таълим олишларига хизмат қилмоқда.



Коллежда юздан ортиқ малялаки ўқитувчи, муҳандис-педагоглар фаолият кўрсатаётган бўлиб, таълим-тарбия жараёни амалиёт билан уй-

ғун ҳолда олиб борилади. Ўқувчилар билимини мунтазам назорат қилиб бориш мақсадида коллежда жорий этилган интеллектуал ўйин-

лар, дебат клуби ва саводхонлик тадбирлари ўз самарасини бермоқда. Билим маскани ёшлари эришаётган ютуқлар ҳам бу ўринда ало-

ҳида таҳсинга сазовор.
Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.
Абдурашул ПАРДА олган суратлар.



59 йиллик танаффусдан сўнг

Греция бош вазири Костас Караманлис расмий таширф билан Туркияга келди. 25 январда ниҳоятта Грецияга етдиغان ушбу таширф мобайнида томонлар Туркиянинг Европа Ҳамжамиятига аъзо бўлиши, икки томонлама алоқалар ва Кипрдаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари юзасидан музокаралар олиб борилиши кутилмоқда.



Эслатиб ўтамиз, ўтган йилнинг кузига Греция ва Туркия бош вазирлари Греция шимолида газ қувурларини очишганди. Ушбу воқеа икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада мустақамланишига катта ҳисса қўшган. Бош вазирнинг бу таширфи катта аҳамиятга эга. Чунки сўнгги бор Греция бош вазири бундан салкам ярим аср аввал — 1959 йил Туркияга расмий равишда келган экан. Эслатиб ўтамиз, Греция Туркиянинг Европа Ҳамжамиятига қўшилишини қўллаб-қувватлаётган етакчи тарафдорлардан бирidir.

Кутбга хавф туғдиради


Арктикадаги нефть ва газни қазиб олиш кутб табиғати катта хавф туғдиради, деб хабар беради Environmental News Network.



Ташкилот берган ҳисоботда айтилишича, нефть ва газнинг оқиб кетиши оқибатида келиб чиқадиган зарар қопланишига жуда кўп вақт талаб қилинади. Мазлумки, 1991 йил тузилган Арктик кенгаш ўз олдида худуднинг экологик, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлиши мақсад қилган. Бу ташкилотга Россия, Канада, Швеция, Норвегия, Дания, Финляндия, Исландия ва АҚШ кирди. Арктика худудига жами нефть ва газнинг тўртдан бир қисми микдориди захираси жамланган. Хозирда Арктикадан олинаётган нефть ва газ дунё бўйича олинаётган нефтьгазнинг ўндан бирини ташкил қилади.

Кучли нур дилхираликни йўқотади

Америкалик тадқиқотчиларнинг аниқлашича, ёрқин чироқ нафақат қишда пайдо бўладиган тушкун кайфият, балки жиддий руҳий хасталикларни тузатишга ҳам яхши даво бўларкан, деб хабар қилади РИА Новости.



Ўтказилган тадқиқот натижалари Bipolar Disorders илмий оммабоғ журналича чоп этилган. Унга кўра, олимлар беморларга чироқ бериб, уни ҳар кун 15, 30, 45 дақиқа ёқиб қўйишни маслаҳат берган. Натижаларга кўра, энг самарали усул — бу ёрқин чироқни кундуз пайти 45 дақиқага ёқиб қўйиш эканлиги аниқланган.

Семириш характерга боғлиқ

Ўзга чечан ва одамшаванда кишилар семириш касалига дучор бўлмайдилар, деб хабар беради Рейтер АА япон олимларининг тадқиқотларига асосланиб.

Тадқиқотда 30 мингдан ортиқ японияликлар иштирок этган ва олимлар одамнинг вазни, бўйи ва унинг феъл-атвори орасидаги боғлиқлини ўрганган. Маълум бўлишича, очикқўнғил ва дилхаш инсонлар тажана ва асаби чатоқ одамларга қараганда икки баробар кам семирикдан азият чекара экан. Олимлар бу янгилик семириш хасталигига чалинганларга ёрдам бериши мумкин, деб тахмин қилмоқда.

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ҳокимининг 2007 йил 3 июлдаги реестр № 003130-11 сонли қарорига асосан рўйхатга олинган «Agzam Universal Servis» МЧЖ (ОКПО 21888124, ИНН 300501468)

ТУТАТИЛАДИ.
Давво ва эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мuddат ичида қабул қилинади.
Телефон: 253-62-34.

Иқтисодиёт

Энг ишончли ҳамкор

«Пахта банк» дейишмоқда фарғоналик мижозлар

Ўтган йили Фарғона вилоятида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида катта ютуқларга эришилди. Барча тармоқлар бўйича шартномавий режалар ортиги билан бажарилди.

Бу ютуқларга Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари орасида «Fitch Ratings» рейтинг компаниясининг «Барқарор» тоифасидаги тўлиқ рейтингини олган биринчи банк — акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Фарғона вилоят бошқармасининг ҳам муносиб улushi бор. Банк бошқармаси ўтган йил давомида фермерларнинг ҳақиқий маддадорига айланди. Қарийб ўн бир минг нафар фермер ҳўжаликлари бу банк ёрдамидан баҳраманд бўлдилар. Республика Молия вазирлиги ҳузуридида давлат эхтиёжлари учун харажат қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси томонидан беш мингдан зиёд пахта етиштирувчи фермер ҳўжаликлари 38 млрд. 361 млн. сўм, ғалла етиштирувчи фермер ҳўжаликларига эса 8 млрд. 590 млн. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағлар белгиланган агротехник тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши учун сарфланди.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришда замонавий техниканинг аҳамияти беқиёс. Буни яхши хис қилган «Пахта банк»нинг туман (шаҳар) филиаллари фермер ҳўжаликларига кўрсатилган банк хизмати турларини кўпайтириб, уларга қулай шароитлар яратиш ва амалий ёрдам бериш, экинларга ишлов беришда зарур бўлган техника воситалари билан таъминлашга алоҳида

эътибор қаратишди. Кўплаб фермер ҳўжаликларига «Класс Доминатор» дон ўриш комбайнлари, «ТТЗ-80», «ТТЗ-11», «ТТЗ-100», «МТЗ-80», «ВТ-150» чопиқ ва ҳайдов тракторлари, кўллаб культиватор, пуракачи ва бошқа техника воситалари лизинг асосида олиб берилди. Айниқса, вилоят туманларида ташкил этилган 71 та минибанк хизматларидан мижозлар мамнун бўлишпти. Чунки банк хизматлари бевосита қишлоқ ҳўжалиги ходимларига яқин жойда амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда «Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси жамоаси халқ ҳўжалигининг барча соҳаларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, кичик бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор кўчатирилди. Натижада маҳаллий бозорга замонавий, сифатли маҳсулотлар чиқариш кўпайди. Иш ўринлари сони ортмоқда. Масалан, банкнинг Кўкөн бўлими мижози, хусусий тадбиркор Мансур Мадаминов ўтган йилнинг ноябрь ойида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ташкил этишга киришди. Бунинг учун банкдан 6 млн. 400 минг сўм кредит ажратиб берилишини сўради. Банк ходимлари эса қисқа мuddатда барча ҳужжатларни расмийлаштириб кредитни эгасига етказишди. Тадбиркор тезда ишга киришиб, замонавий технологик линия сотиб олди. Макарон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Атиги 2 ой ичида тадбиркор томонидан 45 тонна ёки бошқача қилиб айтганда, 25 млн. сўмликдан зиёдроқ 3 хил турдаги макарон маҳсулотлари ишлаб чи-

қарилди. Беш нафар ёш йигит-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда Кўкөн шаҳри ва унинг атрофидаги туманлар аҳолисига маҳсулотлар етказиб беришмоқда. Умуман олганда вилоят бошқармаси бўйича ўтган «Ижтимоий ҳимоя йили» давомида кичик бизнес субъектларига барча манбалар ҳисобидан 4 млрд. 161 млн. сўмдан зиёд кредит ажратилди. Бунинг натижасида саноат, савдо, қишлоқ ҳўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш ҳар қачонгидан ўсди. Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан анчагина кредит маблағлари ажратилди.

Маълумки, мамлакатимизда ҳар бир оиланинг таянчи аёл киши ҳисобланади. Ана шу етакчи куч ҳисобланган аёлларни, яъни уй бекаларини бирон-бир фойдаланувчи билан банд бўлишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кам таъминланган оилаларга чорвачиликни ривожлантириш учун берилаётган имтиёзли кредитлар ана шундай ғамхўрлик намунасидир. Чунки, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан 447,8 млн. сўм миқдорда кредитлар берилди. Ушбу кредитлар кам таъминланган оилаларга уларнинг хоҳишига кўра, нақд пулда ёки пул ўтказиш йўли билан ажратилди.

Бир йил мобайнида вилоятда тадбиркор аёллар сафи анча кенгайди. 412 нафар ишбилармон хотин-қизларга 644,5 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Бугунги кунга келиб тадбиркор аёллар фаолият юритаётган микрофирма, кичик корхона ва фермер ҳўжаликларига ажратилган кредитларнинг умумий

қолдиғи қарийб 2 млрд. сўмни ташкил этади. Вилоят бошқармаси жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш билан биргаликда йирик лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Бундан икки йил аввал «Қува тўқимачилик» очик акциядорлик жамияти калава ип ишлаб чиқарувчи йиғирув цехини бунёд этишга қарор қилганди. Замонавий дастгоҳлар сотиб олиш учун эса Хитой Халқ Республикасининг «Шиндонг Машинери импорт-экспорт Групп Корпорейшн» компанияси билан шартнома тузилди. 2006 йилнинг июнь ойи охирида 10 йил мuddатга, йиллик 8 фоиз устама ҳақ тўлаш шартига кўра, ўзига тегишли бўлган мол-мулкни гаровга қўйган ҳолда Осие тараққиёт банк кредит линиялари ҳисобидан 1 млн. 505 минг 234 АҚШ доллари миқдорда кредит олинди. Бунда «Пахта банк»нинг вилоят бошқармаси катта кўмак берди. Энг замонавий дастгоҳлар 2007 йилнинг февраль ойида хитойлик мутахассислар томонидан олиб келиниб, апрель ойи охирида тўлиқ монтаж қилиниб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда корхона тўла қувват билан ишлаб турибди. Кредитнинг устамалари ўз вақтида қайтарилмоқда. Бундан ташқари, қўшимча равишда 250 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чораларни тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда АТ «Пахта банк»

бошқарувининг 2007 йил 5 мартдаги йиғилиши қарори билан тасдиқланган «Акциядорлик тижорат «Пахта банк» томонидан аҳолига уй-жой қуриш, қайта қуриш (реконструкция) ва сотиб олиш учун ипотека кредити бериш тўғрисида»ги тартибига асосан «Пахта банк» Фарғона вилоят бошқармаси филиаллари томонидан 2007 йил давомида 190,2 млн. сўм ипотека кредитлари ажратилган бўлиб, шундан 9 та ёш оилага уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ҳамда кўпқаватли уйлардан квартира сотиб олишга 121,6 млн. сўмлик ипотека кредитлари ажратилди.

Бошқарманинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан ўтган 2007 йил давомида қам 4274 нафар фуқарога 2 млрд. 924 млн. 288 минг сўм миқдорда молиявий истеъмол кредитлари берилди. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан жами 911 нафар ёш оилага 797 млн. 913 минг сўм миқдорда молиявий истеъмол кредитлари ажратилди.

Жумладан, Олтиариқ туман 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Илҳомжон Абдунобилов 986 минг сўмлик мебеллар тўплами, Тошлоқ Пахта тозалаш заводи ходими Абдунобилов Маринов 1 млн. 45 минг сўмлик маиший техника воситалари сотиб олди.

Бундан ташқари, жами 105 нафар талаба ёшларга 61 млн. сўм миқдорда таълим кредитлари берилди. Банкнинг вилоят бўлими ва унинг филиаллари томонидан

нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айлангани янада қисқартириш юзасидан ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида банк кассаларига нақд пул тушувларини кўпайтириш ва биринчи даражали тўловлар ҳамда ҳўжалик субъектларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ўз вақтида нақд пул билан тўлиқ таъминлаш мақсадида барча имкониятлардан фойдаланилапти. Бунинг натижасида аҳолининг бўш пул маблағларини банкка жалб этиш бўйича яхши кўрсаткичларга эришилди.

Банк жамоаси қишлоқ ҳўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш, мижозлар фаолиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Шериклар билан аниқ ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш, бизнес режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш борасида уларга зарур маслаҳатлар берилмоқда, сифатли хизматлар кўрсатилаётди. Ёшлар йилининг дастлабки кунларидан бошлаб янги-янги хизмат турларини жорий этиш, жойларда амалий семинар-кенгашлар ўтказиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш тадбирлари қизғин давом эттириляпти. Кўрибини турибдики, банк бўлимининг ютуқлари салмоқли. Ходимлар нияти — муваффақиятларни янада кўпайтириб боришдан иборат.

Шоҳайдар МИРҲАБИВОВ,
Мирбахтиёр МИРҲАБИВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Мавсум масъулияти

Қиш синовлари

Бийдай Қизилқум бугун қирчиллама қиш оғушида. Яйловларни қалин қор қоплаган. Қўй-қўзи, эчки-улоқ ҳафталаб дала қўрмайпти. Айниқса, Томди, Учқудуқ туманларида...

Томдибўлоқни 50-60 сантиметр қалинликда қор қоплаганига ўн кунча бўлди. Навоий вилояти ҳокимлиги вакиллари, чорвачилик мутахассислари бугун Қизилқумда — отарларда. Қор қоршоғида қолган ўтовларга қончилар, цементчилар, кимёгарлар, нурчилар ёрдамга келишган.

— Ноябрь-декабрь ойларида фақат ёмғир ёғиб турди, — дейди томдилик чорвадор **Усен Маханбетов**. — Январ ой-

идан бошлаб, ҳаво кескин совиди. Тунлари минус 18-20, баъзан 25-27 даражани кўрсатапти. 1968-69 йилларда айни шундай қиш бўлувди...

— Қаҳратон қишнинг бир кунини қўйинг, бир дақиқасининг ҳам қаҳри қаттиқ, — дея суҳбатга қўшилди **Жабай Балиманов** номили ширкат ҳўжалиги бош зоотехниги **Ахмет Бахтибоев**. — Ўн кундан ошдики, бугун ҳўжалик қўй-қўзиси кўрада. Барча оёққа турган. Биров ем-хашак тайёрлапти, биров қудуддан сув тортапти... Совлиқлар парвариси алоҳида назоратда. Навоий дон маҳсулотлари комбинатига борай десак, Навоий

— Зарафшон магистрал йўли ёпиқ, омухта ем учун юк машиналари жўнатолмаяпти... Яхшиямки, ҳокимлик ташаббуси билан кўмакчилар гуруҳлари келишди...

Ҳа, Томди томонларида қирчиллама қиш яйловларни ҳам, қўйивонларни ҳам синовдан ўтказаяпти. 300 мингдан зиёд қўй-эчки, жумладан 152 минг совлиқлар парвариси диққат-эътиборда. Туманнинг «Томди», «Бирлик», «Оёққудуқ», «Керигитов», «Керизбулоқ», Жабай Балиманов номи ҳўжаликларида махсус бригадалар ишляпти. Ҳар бир изолатор, ҳар бир омухта ем тайёрлаш цехига малакали ветеринария врачлари ва мутахассислар

биркирилган. Овуллар зарур транспорт воситалари, чўпонлар иссиқ кийим-кечаклар ва уй-рўзгор ҳамда кундалик истеъмол моллари билан таъминланган.

— Айниқса бу йилги қирчиллама қиш туманимиз аҳлини ўзига хос имтиҳондан ўтказаяпти, — дейди туман ҳокими Алмамбет Назаров. — Чунки эртанги тўл мавсуми тақдирини шу кунлардаги меҳнатимиз даражаси белгилайди. Ўзбекистон Қаҳратонии Серикбой Сағатов ва унга издошлар — Сайитқул Абдулов, Нурғали Алдамуратов, Саржау Саинов, Раббой Сахтабоев, Самарқанд Ергашев каби қўзи пишган ва бир умр ризқини, насибасини чўлдан из-

лаган заҳматқаш қўйивонларимиз бор экан, юртимизда маъмурчилик, тўқинчилик, серобчилик ҳам албатта бўлади...

Конимехга бораётиб, йўлда турна қатор машиналар тизимига дуч келдик. — Туманнинг «Саржал», «Тангсарой», «Сарибел» овуллари ва у ерлардаги отарларга чўпонлар учун иссиқ кийим-кечак, озик-овқат ва кўмир олиб келдик, — дейди **Қизилқумцемент» ОАЖ бош директори Ражап Жуманиёзов**.

— Олис яйлов сўқмоқларида юришининг, муз қоплаган узоқ отарларга боришининг ўзи бўлмаяпти, — дея гапга қўшилади **Навоий ИИБ йўл ҳаракати хавфсиз-**

лиги бошқармаси бошлиги, майор Уктам Ҳамроев. — Қорли далаларда ҳар кун Ичқудуқ, Нурота, Томди туманларининг 350-400 километргача олинса бўлган отарларига кўмакка бораётган ҳар бир автоулов хавфсизлиги қатъий назоратимизда...

...Йўлда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят маънавият тарғибот маркази гуруҳларини ҳам учратдик. Улар билан чорвадорларнинг юзма-юз мулоқотлари, дилчор конфертларига гувоҳ бўлдик.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қаттиқ қаҳратон бўлишига қарамай, Томди, Учқудуқ, Конимех туманларида чорва моллари беталафот олиб чиқилмоқда

✓ Пекин олимпиадаси олдида

Акмал Эргашев:

Хитойдан Олимпия медаллари билан қайтмоқчиман


2004 йили Афинада ўтказилган XXVIII ёзи Олимпия ўйинларида таэквондо (WTF) бўйича Наталья Микрюкова ҳамда Ирина Кайдашовалар илк мартаба юртимиз шарафини ҳимоя қилишганди. Бу йил ёзда Пекинда бўладиган Олимпиадада эса бир йўла уч нафар спортчимиз — Евгения Каримова, Акмал Эргашев ҳамда Дмитрий Кимлар мазкур спорт тури бўйича ғолиблик учун майдонга тушадилар.

Айни пайтда таэквондо усталаримиз Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси спорт мажмуида мусобақаларга ҳозирлик қўришмоқда. Биз фурсатдан фойдаланиб, таэквондонинг ITF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони ҳамда WTF йўналиши бўйича Осиё чемпиони совиндорни, халқаро тоифадаги спорт устаси Акмал Эргашев (80 кг.) билан Пекин олимпиадаси олдида олиб бораётган тайёргарлик, таэквондочимизнинг эришаётган ютуқлари ва келгуси режалари ҳақида сўхбатлашдик.

— Кўпчилик сизни таэквондонинг ITF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони сифатида яхши билади. Мана бир неча йилдирки, ўз омадингизни WTF йўналишида синнаб кўраёсиз. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Бугунги кунда Шарқ яқинида бутун дунёда жадал ривожланмоқда. Буни корейс миллий спорт тури саналган таэквондо мисолида ҳам кўриш мумкин. Бизда курашнинг бухорча ва фаргонача турлари бўлгани каби таэквондо ҳам бир неча турга ажратилган. Гарчи, таэквондо турлари жаҳонда ITF, WTF, WTF сингари халқаро ташкилотлар сай-ҳаракатлари билан ривожланаётган бўлса-да, усуллари ва кўринишлари жи-

хатидан бир-бирига жуда яқин. Мен ўн икки ёшимдан ITF йўналиши билан шугулланганман. Илк сабоқларни Қўқондаги 7-умумтаълим мактаби спорт залида мураббий Анваржон Раҳматуллаевдан олганман. Кейинчалик мамлакат чемпиони, қатор халқаро турнирлар ва энг муҳими, 2004 йилда Грецияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритганман. Аммо бу спорт тури ер куррасининг энг нуфузли саналган мусобақаси — Олимпия ўйинлари дастуридан жой олмаган. Ҳозирда таэквондонинг фақатгина WTF йўналиши бўйича Олимпия медаллари учун баҳслар ўтказилади. Олимпиадада иштирок этиш ва ғолиблик шохсупаси-



га кўтарилиш эса ҳар бир спортчининг энг юксак орзусидир.

— Демак, Сиз Олимпия ўйинларида қатнашиш мақсадида WTF йўналиши билан шугулланаётган экансиз-да? Айтинг-чи, бу икки йўналишнинг бир-бириндан қандай фарқлари бор?

— Худди шундай. ITF ва WTF йўналишларининг асосий фарқи бирида учрашув давомида очколар кўпроқ қўлга олинган усуллар учун берилса, иккинчисид эса аксинча, оёқ маҳорати юқори баҳоланади. Йиллар давомида ортирилган тажрибамга

тажрибани шунга айтишим мумкинки, астойдил шугулланган спортчи учун бу усуллари ўзлаштириш унчалик қийинчилик туғдирмайди.

— Пекин олимпиадаси йўлланмасини ютиш осон бўлмаган-дир?

— Ҳа, албатта. Мамлакат чемпионати ҳамда Ўзбекистон кубоги баҳсларида ғолибликни қўлга киритгач, терма жамоага тақлиф қилинган. Бир неча йиллик халқаро турнирларда тажриба тўплашга мумкин бўлган. Мен учун дастлабки синов 2006 йили Дохада ўтган Осиё ўйинлари бўлган. Ушундан совиндорлар қаторига кира олмагандим. Аммо бундан кўнглимни чўктирмадим, аксинча, ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ҳаракат қилдим. Ўтган йили кузда Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида Пекин олимпиадасига йўлланма берувчи навбатдаги Осиё чемпиони ўтказилди. Унда мураббийим Александр Кимдан ўрганганларим ва тинимсиз ўтказилган машғулотлар иш берди. Қўт



ча чемпионатида ўз вазн тоифада бронза медаллари билан тақдирландим ва XXIX ёзи Олимпия ўйинларига йўлланма олдим.

— Пекин олимпиадаси бошлангунига қадар яна етти ойдан кўпроқ вақт бор. Ҳозирда мусобақага тайёргарлик қай йўсинда олиб борилмоқда?

— Айни чоғда олимпиада йўлланмасини қўлга киритганимдан бехад мамнунман. Бундай имконият доим ҳам келавермайди. Шу боис, барча диққат-этиборни ана шу имкониятдан унумли фойдаланишга қаратаяман. Пекин олимпиадасида шунчаки иштирок этиш эмас, балки ундан юртимизга медал билан қайтиш ўй-хаёли билан яшаяман. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошмаслиги тайин. Айни пайтда мураббийим Александр Анатольевич билан аниқ режа асосида машғулотлар олиб бораётишимиз. Августга мамлакат чемпиони ва Ўзбекистон кубоги баҳсларида маҳоратимни яна бир карра синовдан ўтказаман. Шунингдек, бир қатор ўқув-йиғин машғулотида қатнашам. Ана шу ўқув-йиғинларимиздан бири Жанубий Кореяда ташкил этилиши режалаштирилган.

Аброр МЕЛИБОВ
сўхбатлашди.

✓ 2008 йил — Ёшлар йили



Қиз бахши

Улбўсин ЎРИНБОВА болалигидан дуторга илос кўйди. Гарчи оилада созинда бўлмаса-да, дадаси Одилов Курбанбоев гоҳ-гоҳ дутор чертиб, кўй машқ қилишни кўриб, унда ҳам дуторчилик хавас туғилди. Кейинчалик Улбўсиндаги бу кизиқ шайхона ҳақида чин иштиёққа айланган.

1992 йил Қорақалпоғистоннинг энг чека Қораўзақ туманида туғилган Улбўсин Ўринбоева дастлаб 8-умумтаълим мактабига таълим олди. Кейинчалик туман марказидаги Жиен Жиров номли махсус санъат мактабига қатнай бошлади. Аста-секин унга хавас қилиб қишлоқдош қизлардан Ойнура Сабурова, Сарвиноз Темиронова, Рита Дарибоева, Тозагул Минайдаровалар ҳам шу мактабга ўтди.

— Мактабимиздаги ёшларнинг кўшиқ айтишлари, дутор чертишлари менинг ҳам санъатда шу йўлни танлашимга туртки бўлди, — дейди Улбўсин. — Мен ҳам улардай кўшиқ айтсам, ўз овозим, чалаётган созим билан халқнинг кўнглидан жой олсам, деб ўйлардим. Бу орзуларим аста-секин рўёбга чиқа бошлади. 2005 йили Мухиддин Қориевнинг номли ёш созиндан қўриқ-танловда биринчи ўринни олдим. 2006 йилда «Келажак овози» республика кўриқ-танловида «бадий ижод» номинацияси

бўйича иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритдим. Бу муваффақиятларим эса 2007 йилда Зулфия номидаги давлат мукофоти олишимда катта ёрдам бўлди.

Айни пайтда Улбўсин Нуторчилик хавас туғилди. Кейинчалик Улбўсиндаги бу кизиқ шайхона ҳақида чин иштиёққа айланган. 1992 йил Қорақалпоғистоннинг энг чека Қораўзақ туманида туғилган Улбўсин Ўринбоева дастлаб 8-умумтаълим мактабига таълим олди. Кейинчалик туман марказидаги Жиен Жиров номли махсус санъат мактабига қатнай бошлади. Аста-секин унга хавас қилиб қишлоқдош қизлардан Ойнура Сабурова, Сарвиноз Темиронова, Рита Дарибоева, Тозагул Минайдаровалар ҳам шу мактабга ўтди.

— Директоримиз Қувватбай Утегенов, ўқитувчиларим Зоя Кушербоева, Салтанат Юсуповалардан миннатдорман. Чунки улардан мен созандачилик сирларини ўргандим, — дейди Улбўсин. — Шунингдек, менинг бу даражага етишимда устозим, Ўзбекистон халқ бахисси Файрат Утемуратовнинг ҳам хизматлари беқиёс. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилингани мени бехад қувонтирди. Юртбошимизнинг бу чакирингига ўз ижодий меҳнатларим билан жавоб бериш ниятидаман. Орзуим, келгусида халқимизнинг йўқолиб бораётган қадрият ва урф-одатлари кўна бўлиши чолғу асбобларини чуқур ўрганиб, уларни жаҳонга олиб чиқиш.

Реймбой ЭШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.
Суратда: Улбўсин Ўринбоева.




Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 14-ихтисослаштирилган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби доимо ўғил-қизлар билан гавжум. Айни чоғда бу ерда саккиз юз нафардан ор-

тиқ ёшлар спортнинг бадий ва спорт гимнастикаси, акробатика, юнон-рум кураши, қўл жанги, турон яққакураш турлари билан шугулланишмоқда. — Мактабимизнинг Ўзбекис-



тон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомилигида қайта реконструкция қилиниб, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланганлиги имкониятларимизни денгайтириб юборди, — дейди спорт мактаби директори Баходир Қурбанов. — Иқтидорли ўғил-қизларни тарбиялаш, спортимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш мақсадида тажрибали мураббийларни ишга жалб этганмиз. Жумладан, Елена Астафеева, Богдана Семешенко, Ирина Каримжонова, Шухрат Мамадалиев, Татьяна Ким сингари мураббийлар қўл остида шугулланаётган ёшлар айни чоғда нафақат республика биринчиликларида, балки халқаро турнирларда ҳам юқори кўрсаткичга эришмоқдалар. Суратларда: спорт мактаби ҳаётинан лавжалар. Абдвисо ХАЙДАРОВ олган суратлар.



Ёш истеъдодларнинг хайрия концерти

Ўзбекистон Давлат консерваториясида халқаро фестиваллар, кўриқ-танловлар, санъат анжуманлари ғолиблари — ёш мусиқачилар иштирокида хайрия концерти бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Успенский номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ва Ўзбекистон ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир 2008 йил — Ёшлар йилида болалар ва ўсмирлар ижодийлигини қўллаб-қувватлаш йўналишидаги дастлабки ижодий лойиҳадир.

Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш истеъдодларни кашф этиш, уларнинг иқтидори тўла намойён бўлиши учун барча зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан бу борада қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур жамоат ташкилоти ташаббуси билан ўтказилаётган ва юртимиз ёшлари ўртасида тобора катта кизиқчи ва эътибор қозонаётган қўллаб-қувватлаш ишлари, фестиваллар, концертлар, кўриқ-танловлар, ижодий беллашувлар бунинг ёрқин далилидир.

Концертда жаҳон ва ўзбек бастакорларининг мусиқий асарлари ана шундай истеъдодли мусиқачилар томонидан ижро этилди. Назолат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири

✓ Лўқма

SMS — мулоқотдаги... саводсизлик

...Кўйи синфда ўқийдиган кичик ўғлим сўраб қолди: «Бот» сўзи кичик ҳарф билан ёзиладими? Табиий, бу саволдан ҳайратда қолдим. Аввалида ўғлимга имлодан сабоқ берган муаллимидан хафландим. Шунинг учун мактабда атоқли отлар қандай ёзилишини ўргатган-ўрганмаганини сўрадим. «Ўқитишган, атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилади дейишган, — деди ўғлим. Бироқ ана, телевизорда «Бот»-ни кичик ҳарф билан ёзишга қўйди».

Ҳоразмда «Иқбол» хусусий телетармоғи иш бошлаганига кўп вақт бўлганича йўқ. Аммо кизиқарлиси, асосан қўшиқ клипларини намойиш этиб ёшлар эътиборига тушди. Айнан бундай дастур давомида экранда тўхтовсиз

«sms»лар бериб борилди. Буларда одатда таниш-билишлар бир-бирларини туғилган кунлари билан қутлашади. Бу табиий ҳол — ҳар ҳолда тушуниш ва чидаш мумкин. Лекин ана шу «sms» жўнатувчи шоввозлар қандай ёзган бўлса шу ҳолича экрандан ўтди. Имло хатолар ғиж-ғиж. Атоқли отларнинг кичик ҳарфлар билан ёзилишини қўйтурайлик, бу ёзувларда ҳатто киши исмида ҳам хатолар кетиши... одатга айланган.

Шу телевидениеда берилган «sms»ларни эринмасдан кузатдим. Ишонасизми, бир соатнинг нари-берисида юзга яқин хато ўтди. Виллоятнинг қўлгина туманлари ахли қўшни Тўртқўлдаги худди шундай хусусий телевидение кўрсатувларини ҳам томоша қилди. Кузатсам, бу ерда ҳам шу аҳвол.

«Иқбол» студиясига эътирозимни билдирдим. Жавоблари антиқ: Аввалида «sms» марка билан «sms»ларни бевосита эфирга узатиш бўйича шартно-



малари борлигини писанда қилишди. Хатоларга эса «Бизлар томошабинлар қўл телефонлари орқали ёзиб юборган «sms»ларни тўғридан-тўғри узатамиз. Уларни тузатиш, таҳлил қилишга имконимиз йўқ», дейишди. Тўғри, бунга ишониб мумкин. Аммо ойиша жаҳонни томоша қилаётганлар, айниқса ўқувчилар бундай саводсизликдан ажабланишади. Ажабланишади эмас, ойиша жаҳондаги тўғри деган ўйга боришади. Рўшунослар инсон минг марта эшитганидан бир бора кўрганга кўпроқ ишонилиши беҳиз таъкидлашмаган. «Sms»лардаги саводсизлик... ёш болаларга ва уларда охирикўбит

хато ёзишга кўнликма ҳосил қилиб қўйиши ҳеч гапмас-ку!

Яна бир масала. Биз экран орқали берилаётган хатоларни айтдик. Лекин қайсида қишлоқдаги «Ботир»нинг қайсидаги тумандаги «Гўзал»ни жуда-жуда яхши кўришини... эзилиб, ўртаниб кетаётгани ҳақидаги ўта шахсий сатрларни «sms» орқали кўпчилик ўқитганини айтмаймиз. Одатда бундай ишқий сатрлар ортидан ошиқ томоннинг телефон рақами ҳам берилади. «Менга тез қўнғироқ қил!» дея иддао ҳам қилишини айтмай қўя қолайлик.

Барибир андишали халқимиз. Ор-номусини ҳамма нарсадан баянд тутамиз. Табиий, кимдир ноўринроқ бирор иш қилса, хижолатдан ўзимизни қўярга жой тополмаймиз ва бирламчи навбатда ўзимиз эзилмаймиз. Бунга ўша ноодатий қўлиқлар ортидан пул топаётган студиялар ўйламаётганимкин?..

Рўзаймбой ХАСАН,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

BOSH MUHARRIR:	Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI:	Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliiddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Sharbat ABDULLAYEVA Turobjon JO'RAYEV Feruz NAZIROV Murodulla ABDULLAYEV Ulug'bek MUSTAFOYEV Norqobil JALIL (Bosh muharrir o'rinbosari) G'afar HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV Nomo SA'DULLAYEV Svetlana GERASIMOVA Andrey KUSTOV Ochilboy RAMATOV Saidahmad RAHIMOV
MUASSIS:	O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:	Partiya hayoti 233-10-13 Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55 Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56 Kotibiyat 233-72-83, 136-55-17 Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
VILOYAT MUXBIRLARI:	Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-22-32 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Denovda — 8-37641-23-780
MANZILIMIZ:	100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi:	Matnazar ELMURODOV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.	Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV
«Sharh» nashriyoti-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonada chop etildi.	Korxonada nashr etildi. Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.	Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.	Г — 50 15774 nusxada bosildi t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 22.10 Topshirilgan vaqti — 22.30 1 2 3 4 5 6 8 Sotuvda erkin narxda